

Муборак ёшингиз билан!

✘ Жорий йилнинг 5 апрель куни “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети “Машиналардан фойдаланиш ва таъмирлаш” кафедраси мудири доцент Игамбердиев Аскар Кимсанович муборак 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан факультет декани У. Қўзиев институт ректорининг жамоа номидан йўллаган табригини ўқиб эшиттирди ва институт ҳамда Касаба уюшмаси томонидан берилган пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Умри давомида устоз – мураббий соҳасида фаолият олиб бораётган устозларни машаққатли ҳамда масъулиятли меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш олийжанобликдир. Ҳурматли Аскар Кимсановични 60 ёши билан муборакбод этиб, узоқ умр, сиҳат – саломатлик, оилавий бахт тилаймиз ва ватанимиз ривожини йўлида олиб бораётган ишларига келгусида зафарлар тилаймиз.

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов